

Фикҳ дарслари (120-дарс). Маҳси ва тахтакачга масҳ тортиш ва синдирувчилари



13:00 / 21.01.2021 4827

(бешинчи мақола)

هُلِّلَا يَلَّصْ هَلِّلَا لُؤْسَرَنَا كَ: لَأَقُ هُنَّ هَلِّلَا يَصْرَلْ أَسْعَنْبَ نَأَوْفَصْ نَع
الْوَأَنَفَا فِخْ يَلَّعَ حَسْمَنْ نَأَن يَرْفَأَسْمُ أَنْك إِذِ أَنْزُمَ أَيَمَّ لَسَوَّ هَيْلَع
يُئِئَسِّنَلَا هَأَوْرِيَّ هَبَّ أَنْجَنْمُ أَلِّمُ وَنَوَلُ وَبِوَ طِيَّاعُ نَمِّمَ أَيَأُةَ ثَالِثَ أَعَزُّنْ
يُذَمَّرْتَلَاو

Сафвон ибн Ассол розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларга мусофир бўлган вақтимизда қазои ҳожат, таҳорат ушатиш ва уйқудан маҳсиларимизни ечмасдан, уч кунгача масҳ тортишни амр қилар эдилар. Фақат жанобатдан (ечишга амр қилганлар)».

Насоий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Бу ҳадиси шарифда мусофирнинг масҳи муддатидан ташқари, маҳсига масҳ тортиш бўйича яна муҳим бир масала баён этилмоқда. У ҳам бўлса, масҳ тортиш таҳоратни кетказадиган нарсалардан кейин жоизлиги, ғусл вожиб қиладиган нарсалардан кейин эса масҳнинг кучи қолмаслигидир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саҳобаи киромларига қазои ҳожат, таҳорат ушатиш ва уйқу сабабли таҳоратлари синиб, янги таҳорат қилганларида сафар чоғида уч кунгача маҳсига масҳ тортиб юришни амр қилганлар.

Аммо жунуб бўлиб, ғусл вожиб бўлиб қолганда эса маҳсини ечишни амр қилганлар.

Масҳнинг муддатини ҳисоблаш маҳсини кийгандан эмас, уни кийгандан кейин биринчи марта таҳорати кетган вақтдан бошланади.

Унинг синдирувчиси: 1. Таҳоратни синдирувчи нарсалар; 2. Муддатнинг чиқиши; 3. Товоннинг кўпи қўнжигача чиқишидир.

Маҳсига тортилган масҳнинг синдирувчиси қуйидагилар:

1. Масҳ тортиб юрилганда таҳорат синиши билан масҳ ҳам синади.
2. Муқим масҳ тортигандан кейин биринчи таҳорати синган вақтдан бир кечаю бир кундуз ўтиши билан масҳи ўз-ўзидан синади. Ўша пайтда таҳорати бор бўлса ҳам, масҳи синади. Шунингдек, мусофирнинг масҳига уч кечаю уч кундуз тўлганда унинг ҳам масҳи синади.
3. Маҳсига масҳ тортиб юрган одамнинг товонининг кўп қисми маҳсининг қўнжи томонга чиқиб кетса ҳам унинг масҳи синади.

Икки(нчи ва учинчи) нарсадан кейин фақат икки оёқни ювиш вожиб бўлади.

Яъни, муддати ўтганда ёки товони қўнжидан чиқиб кетганда таҳорати бўлса, маҳсини ечиб, оёғини ювиб олса кифоя қилади. Аввалги масҳ тортиб қилган таҳорати мукамал бўлиб қолаверади.

Масҳнинг бизнинг матнда зикр қилинмаган синиш ҳолатлари ҳам бор:

1. Жунуб бўлганда.

Махсига масҳ тортиб юрган одам жунуб бўлиб қолса, масҳи синади. У махсисини ечиб, тўлиқ ғусл қилиши лозим бўлади.

2. Бир пой ёки икки пой махсини ечганда.

Масҳ билан юрган одам оёқ кийимини ечган пайтда таҳоратли бўлса, оёғини ювиб олиши керак. Акс ҳолда таҳорати синади.

3. Махсида учта бармоқ чиқиб қоладиган даражада йиртиқ пайдо бўлса ҳам масҳ синади.

4. Бир оёқнинг кўп қисмига сув тегса ҳам масҳ синади.

Масҳни пойабзалдан оёқнинг кичкина бармоқларидан учтаси кўринадиган миқдордаги йиртиқ ман қилади. Бир пой махсидаги йиртиқлар жамланади, икки пойиники эмас.

Бир пой махсидаги йиртиқларни жамлаганда оёқнинг кичик бармоқларидан учтаси миқдорида йиртиғи бор махсига масҳ тортиб бўлмайди.

Бир кеча-кундуздан аввал муқим сафар қилганда ёки аксинча (мусофир муқим) бўлганда, охиргиси эътиборга олинади.

Бир одам муқим ҳолида махсисига масҳ тортди. Кейин сафарга чиқиб қолди. Бунда сафар ҳоли эътиборга олинади ва масҳи уч кечаю уч кундузгача синмайди.

Биров сафарга чиқди. Сафарига бир кечаю бир кундуз ўтмай туриб, муқим бўлиб қолди. Бу ҳолда бир кечаю бир кундуздан кейин масҳ синади. Сафардалигида бир кеча-кундуздан ўтган бўлса, муқим бўлиши билан масҳ синади.

Бу икки ҳолатдан кейин ечилади.

Муқим мусофир бўлганда ва мусофир бир кечаю бир кундуз ўтмай туриб муқим бўлганда, муддат тугал бўлиши билан махсини ечиб, агар таҳоратли бўлса, оёқ ювилади.

(Тамом)

«Кифоя» китобининг биринчи жузидан